

## МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ НУТҚ ЎСТИРИШ МАШҒУЛОТЛАРИДА ДИДАКТИК ЎЙИНЛАР ОРҚАЛИ БОЛАЛАРНИ ФИКРЛАШГА ЎРГАТИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

**Муниса Орипова**

Термиз шаҳридаги 8-сонли мактабгача таълим ташкилоти директори,

[moripova82@mail.ru](mailto:moripova82@mail.ru)

### АННОТАЦИЯ

Мақолада мактабгача таълим муассасалари нутқ ўстириш машғулотларида дидактик ўйинлар орқали болаларни мустақил фикрлашга ўргатишнинг айрим масалалари қаламга олинган, назарий фикрлар билдирилган.

**Калит сўзлар:** мактабгача таълим муассасалари, қизиқиш, эҳтиёж, нутқ ўстириш, машғулот, дидактик ўйин, индивидуал ёндашиш, мустақил фикрлаш.

### ABSTRACT

The article deals with some issues of teaching children to think independently through didactic games in speech development classes in preschool education, and expresses theoretical views.

**Keywords:** preschool, interest, need, speech development, exercise, didactic play, individual approach, independent thinking.

### КИРИШ

Мактабгача таълим-тарбия жараёнида болаларни мустақил фикрлашга йўналтириш – ҳар бир болага индивидуал ёндашиш, уни шахс сифатида ҳурмат қилиш, маънавий-ахлоқий томондан тарбиялаш, боланинг қизиқиш ва эҳтиёжига мос тарзда таълим беришни, айти замонда, унда мустақил тафаккурнинг илк белгиларини шакллантириш мақсадини назарда тутати.

Мактабгача таълим муассасаларида таълим-тарбия беришда энг асосий вазифалардан бири болаларга она тилини ўргатиш, нутқини ривожлантириш, нутқий муносабатга, муомалага ўргатишдир.

Болаларни мустақил фикрлашга ўргатиш жараёнида ҳар бир боланинг эркинлиги, тафаккурининг мустақиллигини амалда ташкил этиш масаласи, ҳар бир машғулотни уюштиришда ҳамкорлик педагогикасига асосланиш, тарбиячи

авторитарлигига чек қўйиш, ҳар қандай масалада болаларнинг фикри, хоҳиш-истаклари билан ҳисоблашиш, бу қарашларнинг илмийназарий асосларини белгилаш ва уни амалий ташкил этиш йўллари кўрсатиб бериш мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ташкил этишда ўз ечимини кутаётган долзарб масалалардан биридир.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Мактабгача таълим муассасалари фаолияти, болаларни мустақил фикрлашга ўргатиш муаммолари З.Азизова, Х.Касимова, Ш.Шодмонова, Н.Бегматова, Н.Бикбаева, З.Иброҳимова, Д.Бабаева, М.Умарова, Б.Джураева, Н.Тожибоева, Г.Назирова, М.Исмоилова, М.Кадирова, Л.Миржалолова, Д.Мирзажонова, М.Нигматова, М.Расулова, Д.Собирова, Н.Тилябова, П.Юсупова, Ф.Қодирова, Р.Кадирова, Ш.Тошпўлатова, М.Аъламова ва бошқа олимларнинг ишларида ёритилган [1].

Республикамизда мактабгача таълим тизимини такомиллаштириш, таълим-тарбия беришда педагогик ва ахборот коммуникация, технологияларини жорий этиш, тарбияланувчиларда нутқ ўстириш ва мустақил фикрлашга ўргатиш тизимини ривожлантиришнинг фалсафий, педагогикпсихологик масалалари бўйича Н.Алавутдинова, М.Зайниддинова, В.Каримова, Р.Суннатова, З.Нишонова, К.Кенжабаева, Ж.Мусаев, Ш.Нуруллаева, Қ.Хусанбоева, МДХ ва Россия мамлакатлари олимларидан В.Гербова, Э.Короткова, С.Лебедева, Л.Житникова, А.Зрожевская, Н.Михайленко, Н. Поддьяков ва бошқалар изланишлар олиб борганлар.

Нутқ ўстириш услубиёти фанининг асосий вазифаси - нутқ ўстириш услуби ва услубиётларини, уларнинг энг самарали воситаларини илмийпедагогик асосларда ишлаб чиқиш ва болалар боғчалари тарбиячиларини улар билан таъминлашдан иборатдир. Тарбиячилар эса ,ўзлаштирилган услуб ва услубиёт ёрдамида болаларда зарурий нутқий малака ва кўникмаларни ривожлантиришга ҳаракат қиладилар. Нутқ ўстириш услубиётининг мақсади болаларнинг оғзаки нутқини ривожлантиришдан, атрофдагилар билан нутқий мулоқотда бўлиш малакасини шакллантиришдан иборат[2].

## ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Бизнинг назаримизда, тарбиячи ва кейинчалик ўқитувчининг савиясини юксалтириш орқали болаларни мустақил фикрлашига эришилади. Бу ўз

навбатида миллат, мамлакат ривожига замин яратади. Мактабгача таълим муассасаларида фаолият олиб борадиган педагог кадрларнинг касбий компетентлиги мазмунига болаларни узлуксиз равишда мустақил фикрлашга йўналтира бориш, тафаккурининг ривожланиш даражасини аниқлаш, баҳолай билиш ҳам киради. Болалар тафаккурининг мустақиллигини назорат қилиш педагогик жиҳатдан анча мураккаб жараёндек туюлади.

Шахсдаги бирон сифатини тарбиялаш учун унинг бошқа томонларини ҳам ривожлантириш керак. Масалан, боланинг ўйинга қизиқишини, ташкилотчилик қобилиятини ривожлантириш учун мазмун жиҳатдан бой ўйинлар яратилиши керак. Болаларнинг ижодий ўйинларини ривожлантириш учун эса ўз навбатида яхши ташкил қилинган болалар жамоаси зарур бўлади. Ўйин болаларни жисмоний томондан тарбиялаш системасида, таълим - тарбия ишида, ахлоқий, меҳнат ва эстетик томондан тарбиялашда катта ўрин тутади. Ўйинда ёш организмга хос бўлган талаб ва эҳтиёжлар қониқтирилади, ҳаётий фаоллик ортади, бардамлик, тетиклик, қувноқлик тарбияланади. Шунинг учун ҳам болаларни жисмоний тарбиялаш системасида ўйин муносиб ўрин эгаллайди.

Атоқли педагог ва шифокор Е.А. Аркин “Ўйинни рухий витамин” деб, бекорга айтмаган [3]. Бола ўйнаётиб, ўз билимидан фойдаланишга, уни ҳар хил шароитда ишлата билишга ўрганади. Ижодий ўйинларда болаларнинг фантазияси, ҳис – туйғулари орқали сезишга, қоидаларни, ривожлантирувчи, ҳаракатли ўйин боланинг сенсор ривожланишини, тафаккур ва нутқини, ихтиёрсиз диққатини, ҳар хил ҳаракатларини мунтазам равишда машқ қилдириб бориш имконини беради. Ҳар бир ана шундай ўйин маълум дидактик мақсадга эга бўлиб, болани умумий ривожлантиришга қаратилган бўлади. Тарбиянинг ўйин шаклида бўлиши муҳим аҳамиятга эга бўлиб, боланинг ёш хусусиятларига мос келади. Қизиқарли ўйин боланинг ақлий фаоллигини оширади, ўйинда бола машғулотдагига нисбатан мураккаброқ масалани ҳал қилиши мумкин. Бу - таълим бутунлай ўйин шаклида бўлиши керак деган гап эмас. Таълим турли - туман усуллар ва методларни қўллашни талаб этади. Ўйин таълимнинг шаклларида бири бўлиб, бошқа бир метод билан қўшиб олиб борилгандагина яхши натижа беради. Ўйин жараёнида юз берган кечинмалар бола онгида чуқур из қолдиради, шунинг учун ўйин болада яхши ҳисларни, улуғвор орзулар ва интилишларни, соғлом қизиқишларни тарбиялашга ёрдам беради. Ҳаракатли ўйинлар орқали болаларнинг кайфияти кўтарилади,

жисмоний чиниқади ва ижодий қобилиятлари ривожланади. Лекин бу ўйинлар тўғри ташкил қилинсагина, тарбиячи ҳам таълимий, ҳам тарбиявий мақсадларига эришади.

Ўқув материални идрок этиш, ўзлаштириш жараёнидаги ўқувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолияти шуни билдирадики, уларда ҳар бири ўз алоҳида шахсий улушини киритади, билимлар, ғоялар, фаолият усулларини алмаштириш кетади. Инсон ўзлигини намоён қилиши, унинг такомиллашуви усулидир. У мактабгача ёшдаги болалар ҳаётининг асосини ташкил қилади. Ўйинда шахсдаги мавжуд барча жиҳатлар ишга тушади. Бола ҳаракат қилади, гапиради, идрок қилади, ўйлайди, ўйин давомида боланинг ҳаёли, хотираси фаол ишлайди, таъсирчанлик ва ирода сифатлари намоён бўлади. Машғулотларда интерфаол ўйин орқали бола: дунёни англайди, реал муаммоларга дуч келганда уларни еча олади, тенгдошлари ва катталар билан мулоқотга кириша олади, маданий тушунчаларни англашга ўрганиб боради.

Тарбиячининг вазифа ва масъулиятларидан бири боланинг ўрганган нарсаларини қиёслаши ва мустақамлаши учун янги нарсаларни ўрганиши учун маъноли ўйинларни уюштиришдан иборат. Ўйин болаларнинг мустақил фаолияти бўлиб, унда боланинг руҳияти намоён бўлади, ўйин болаларни ҳар томонлама тарбиялаш воситалари, ўйин болаларга таълим-тарбия беришнинг метод ва усули ҳисобланади [4].

## ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Интерфаол таълим технологияларини қўллаш асосида ўқитиш самарадорлигини ошириш шахснинг таълим марказида бўлиши ва ёшларнинг мустақил билим олишларини таъминлаш учун таълим муассасаларига яхши тайёргарлик кўрган, ўз соҳасидаги билимларни мустақам эгаллашдан ташқари барча инновацион технологияларни ва интерфаол усулларни биладиган, уларни амалий фаолиятида қўлайдиган ҳамда биладиган ўқитувчилар керак. Бунинг учун барча фан ўқитувчилари инновацион технологиялар ва интерфаол усулларни билишлари лозим. Бинобарин, интерфаол таълим технологияларини қўллаш асосида ўқитиш самарадорлигини оширишнинг амалий аҳамияти юқори бўлиб, таълим-тарбияни юксалишида муҳим ўрин тутди. Ҳар бир ўқитувчи таълим жараёнида албатта педагогик инновацион, ахборот инфорацион, муаммоли таълим, интерфаол ва масофавий таълим технологияларидан фойдаланиш билан бирга, талабаларнинг ҳам фаоллигини

оширадиган амалий аҳамиятга эга бўлган ўйин технологияларини қўллай олсин. Масалан: “Ақлий ҳужум”, “Тармоқлар” (“Кластер”), “Бумеранг”. “Чархпалак”, “Резюме”, “Балиқ склети” ва бошқалар. Барча педагог-ўқитувчилар ўз фаолиятларида куйидаги интерфаол таълим технологияларни таълим жараёнида самарали қўллай олиш белгиларини намоён эта олишлари лозим:

ўқитиш жараёнининг самарадорлигини таъминловчи педагогик малакаларни шакллантириш;

ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, гуманитар билимларни англашга йўналтирилган янги касбий тафакурни шакллантириш;

ўқитувчи фаолиятининг методологик асоси сифатида педагогик билимлар тизимини эгаллаш;

ўқитувчиларнинг касбий фаолиятларига яқинлаштирилган услублар тизими сифатидаги ўқитиш технологиясини эгаллаш.

Интерфаол таълимни қўллаш асосида ўқитиш самарадорлигини оширишнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар [5]. Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон таълим ресурсларидан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

Хулоса, инновацион фаолият янги ижтимоий талаблар билан анъанавий меъёрларнинг мос келмаслиги ёхуд амалиётнинг янги шаклланаётган меъёрининг юзага келган меъёр билан тўқнашувчи натижасида вужудга келган қатор муаммоларни ечишга йўналтирилган фаолият саналади. У шахснинг, хусусан, педагогнинг инновацион жараённи ташкил этишга ташкилий-технологик, методик ва ижодий жиҳатдан тайёрлиги ҳисобига ташкил этилади. Педагогик инновацияларнинг изчил равишда педагогик фаолиятга янгиликларни олиб киришга имкон бериш орқали таълим тизими ёки жараёни мунтазам ривожланиб боради. Ўқитувчининг инновацион фаолияти педагогик жамоани ҳаракатга келтирувчи, олға ундовчи, бунёдкорликка рағбатлантирувчи куч сифатида намоён бўлади ҳамда у таълим жараёнининг сифатини кафолатлайди.

## REFERENCES

1. Бердалиева Г.А. Мактабгача таълим муассасалари нутқ ўстириш машғулотида болаларни мустақил фикрлашга ўргатиш методикасини такомиллаштириш. 13.00.08 – “Мактабгача таълим ва тарбия назарияси ва методикаси”. педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент – 2019.
2. “Илк қадам” ўқув дастури. Т.: 2018.
3. Ибрагимова. Мактабгача таълим муассасаларида бадий адабиёт. 2012.
4. А. Рахмонкулова ва бошқ. Мактабгача ёшдаги болаларни атроф-муҳит билан таништириш (илк, кичик, ўрта гуруҳлар учун). Т.: 2015.
5. Л.Миржалолова. Болаларнинг нутқий фаоллигини ошириш. Т.: 2016.
6. Мустафакулов, А. А., Халилов, О. К., & Уринов, Ш. С. (2019). Цель и задачи самостоятельной работы студентов.
7. Abdurakhmanov, B. A., & Ayupov, K. S. (2010). Bakhadyrkha nov, MK, Iiev, Kh. M., Zikrillaev, NF, and Sapa rniyazova, ZM, Low Temperature Diffusion of Impurities in Silicon. In *Dokl. Akad. Nauk Resp. Uzb* (No. 4, p. 32).
8. Бахадырханов, М. К., Зикриллаев, Н. Ф., Аюпов, К. С., Бобонов, Д. Т., Кадырова, Ф. А., & Ильхомжонов, Н. (2006). Спектральная область существования автоколебаний тока в кремнии, легированном марганцем. *Журнал технической физики*, 76(9), 128-129.
9. Абдурахманов, Б. А., Аюпов, К., Бахадырханов, М. К., Илиев, Х. М., Бобонов, Д. Т., & Зикриллаев, Н. Ф. (2010). Сапар-ниязова ЗМ, Тошев А. Низкотемпературная диффузия примесей в кремнии. *Доклады АН РУз*, (4), 32.
10. Bakhadir Khanov, M. K., Ayupov, K. S., Zikrillaev, N. F., Kadirova, F. A., & Bobonov, D. T. (2002). Strongly compensated silicon as a new class of materials for electronics.
11. Taylanov, N. A., Dzhuraeva, N. M., & Bobonov, D. T. (2019). Diffusion evolution of electromagnetic perturbations in superconductors. *Uzbekiston Fizika Zhurnali*, 21(2), 130-132.
12. Бахадырханов М.К., Исамов С.Б., Илиев К.М., Камалов К.У. (2015). Аномально долгое время жизни дырок в кремнии с нанокластерами атомов марганца. *Полупроводники*, 49 (10), 1332-1334.
13. Хасанова, Г. (2021). ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ПЕДАГОГЛАРИНИНГ КРЕАТИВ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ

РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МАЗМУНИ. *Academic research in educational sciences*, 2(1).

14. Халилов, О. Қ., & Бобонов, Д. Т. (2021). КИМЁ ВА ФИЗИКА КУРСИНИ ЎҚИТИШДА ЛАБОРАТОРИЯ ИШЛАРИНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ. *Scientific progress*, 2(6), 199-203.

15. Хасанова, Г. И. Қ. (2021). БОЛАГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАЪЛИМНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ТАРБИЯЧИНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТСИЯСИНИНГ АХАМИЯТИ. *Academic research in educational sciences*, 2(9), 1051-1056.